ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИНГ 1960-1980 ЙИЛЛАР ДИНАМИКАСИ ТАРИХИ

Р.К.Юсупов

В статье изучается динамика численности населения Узбекистана в 1945-1991 гг. На основе малоизученных источников, статистических данных анализируются историко-демографические проблемы и показаны их демографические последствия.

In article dynamics a population of Uzbekistan in 1945-1991. On a basis sources are studied, the statistical data historic-demographic problems are analyzed and their demographic consequences are shown.

Тарихнинг ҳамма даврларида ҳам аҳоли билан боғлиқ муаммолар долзарб мавзу бўлиб келган. Зеро, аҳоли сон ва сифат жиҳатидан ўзгармасдан бир нуқтада тураверадиган, тарихий тараққиётга бефарқ қарайдиган муайян нарса эмас. Ўзбекистон аҳолисининг миқдорий ўзгариши ва унинг омилларини тарихий демография нуқтаи-назаридан очиб бериш, яъни демографик жараёнларни ретроспектив ўрганиш, маълум даврлардаги ўзгаришларнинг туб сабабларини кўрсатиб беради. Шу боис Ўзбекистонда аҳоли динамикаси (сон жиҳатидан ўсиши) суръатларининг юксалган даври, XX асрнинг 60-80 йиллари тарихий демографиясини ёритиш жуда муҳимдир.

Ўзбекистон аҳолиси 1959–1989 йилларда энг тез суръатларда кўпайди. Бу даврда аҳоли сони 8,1 млн. дан 19,9 млн. га, ўттиз йил ичида қариийб 2,5 маротабагача ўсди. Айниқса, 1989–1991 йилларда аҳолининг сони йилига ўртача 416 минг кишига кўпайиб борди ва 1991 йилга келиб республикадаги аҳолининг умумий сони 20,7 млн. кишидан иборат бўлган эди (1-жадвал).

1-жадвал.

*Ўзбекистонда умумий, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг динамикаси (1945-1991 йиллар)**

т/р	Йиллар	Аҳолининг умумий сони (минг киши ҳисобида)	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси	Шу жумладан улар % ҳисобида	
					Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
1	1945	5197	1761	3436	33,9	66,1
2	1950	6194	1917	4277	30,9	69,1
3	1955	7170	2319	4851	32,34	67,66
4	1959	8119	2729	5390	33,6	66,4
5	1960	8395	2840	5555	33,8	66,2
6	1969	11451	4189	7262	36,58	63,42
7	1970	11799	4322	7477	36,6	66,4
8	1975	13689	5259	8430	38,42	61,58
9	1979	15391	6348	9043	41,2	58,8
10	1980	15757	6471	9286	41,06	58,94
11	1985	17926	7293	10633	40,69	59,31
12	1989	19906	8106	11800	40,7	59,3
13	1990	20322	8282	12040	40,8	59,2
14	1991	20738	8344	12364	40,3	59,7

** Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Ҳ. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.,1998. - С. 133-136; Асанов Г. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси. – Т., 1994. – 24 б; Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. – Т., 1989. – С. 66-67.*

Ўзбекистон аҳолисининг динамикасига таъсир қилувчи демографик омиллардан бири — унинг такрор барпо қилиниш жараёни бўлиб, яъни бу йилларда республикада рўй берган туғилиш, ўлим ва улар ўртасидаги нисбатнинг натижаси табиий ўсишда ўз аксини топган эди. Ўзбекистон демографик тарихининг ўрганилаётган босқичига доир манба ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XX асрнинг 60–80-йилларида аҳоли динамикаси ва аҳолининг табиий кўпайиши бир қатор ижтимоий-иқтисодий, географик ва демографик омилларга бевосита боғлиқ бўлди [1,2,3,4]. Таниқли демограф олим И.Р.Муллажоновнинг тадқиқотида кўрсатилишича, бу даврда республика аҳолисининг табиий кўпайишига 12 омил ўз таъсирини ўтказган [1;16-23]. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: биринчидан, ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллатлар вакиллари орасидаги анъанавий кўп болаликнинг барқарор ҳолдалиги; иккинчидан, урбанизация даражасининг пастлиги туфайли аҳоли асосий қисмининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳаларида бандлиги; учинчидан, маҳаллий миллат аёллари орасида

ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиганлар салмоғининг анчагина эканлиги; тўртинчидан, оилада болалар сонини олдиндан белгилаш ва туғилишни чеклаш чораларини қўллашнинг кенг тарқалмаганлиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда туғилиш даражасининг юқори ҳолатда бўлганлигини 2–жадвал маълумотлари кўрсатиб турибди. Бу жадвалда, гарчи 1960 йилда туғилиш ҳар минг кишига нисбатан 40 промиллени ташкил этиб, энг юқори даражага кўтарилса-да, кейинчалик туғилиш коэффициенти аста-секин пасайганлиги ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, республикада энг юқори туғилиш 1960-1969 йилларга тўғри келиб, унда ҳар минг киши ҳисобига туғилган болалар сони 33 - 40 тани ташкил этган. Чунки Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тўлдириш даврида, яъни 1945–1950 йилларда туғилган минглаб болалар камолга етиб, оила қурган ва фарзанд кўра бошлаган.

Демограф олимлар томонидан туғилиш даражасини туғилиш умумий коэффициенти ёрдамида баҳолаш мезони аниқланган. Умумий мезон бўйича туғилишнинг умумий коэффициенти 16 промилледан кам бўлса, туғилиш даражаси паст, 16–24 промилле бўлса — ўрта, 25–29 промилле бўлса – юқори ва 40 промилледан баланд бўлса туғилиш даражаси жуда юқори ҳисобланади[5;32]. Шундай қилиб, жадвал кўрсаткичларига биноан қайд этиш лозимки, бу даврда республикада ўртача ҳар йиллик умумий ўлим коэффициенти 6,5 промиллени ташкил қилган эди.

Ўзбекистонда никоҳда бўлганларнинг кўплиги ва оилаларнинг ажралиши камлиги ҳам маълум даражада аҳоли динамикасига таъсир этган эди. 1989 йилда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига нисбатан 10,0 та никоҳ, ҳар 1000 кишига нисбатан 1,5 та ажралиш қайд этилган [6;29]. Табиийки, никоҳда турганлар ва никоҳ қураётганлар сонининг кўп, ажралишнинг эса кам бўлиши туғилиш кўрсаткичларининг сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келган(2 - жадвал).

2 - жадвал.

*1945 -1991 йилларда Ўзбекистонда туғилганлар ва ўлганлар сони (минг киши ҳисобида, промилле)**

Йиллар	*Туғилган болалар*	*Вафот этган аҳоли*	*Аҳоли сонининг табиий кўпайиш ҳисобига ўсиши*
1945	*18,1*	*9,3*	*8,8*
1950	*30,9*	*8,8*	*22,1*
1955	*34,4*	*8,2*	*26,2*
1959	*37,2*	*6,1*	*31,1*
1960	*40,0*	*6,0*	*34,0*
1969	*32,8*	*5,9*	*26,9*
1970	*33,6*	*5,5*	*28,1*
1975	*34,2*	*7,2*	*27,0*
1979	*34,2*	*7,0*	*27,2*
1980	*33,8*	*7,4*	*26,4*
1985	*37,2*	*7,2*	*30,0*
1989	*33,2*	*6,3*	*26,9*
1990	*33,7*	*6,1*	*27,6*
1991	*34,5*	*6,2*	*28,3*

** Народное хозяйство Узбекской ССР. Статистический ежегодник. – Т., 1971. - С. 13; Узбекистан за годы двенадцатой пятилетки. Краткий статистический сборник. – Т., 1990. - С. 22; Республика Узбекистан: Краткий справочник. – Т.,1995.-С.253; Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. – Т., 1989. - С. 68.*

Маълумки оила – инсонларнинг табиий биологик, никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик ижтимоий гуруҳидир. Республикада 1960–1970-йиллардан бошлаб аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам деярли барча ёшдаги гуруҳларида никоҳда турувчилар, яъни оила муҳитида яшовчилар салмоғи кескин ошиб борди. 1959–1989 йилларда республикада оилалар сони 1 682 мингдан 3 415 минггача етди, яъни 2 баробарга ўсди. Йиллик ўртача ўсиш эса 2,4 фоизни ташкил этди [2;29]. Умуман, 1950–1991 йиллар аҳолининг никоҳга кириши, никоҳда туриш ҳолати, оилалар ташкил топиши ва ривожланиши учун жуда қулай ҳолатда бўлган. Шунинг учун Ўзбекистонда оилалар миқдорининг энг тез суръатлар билан кўпайиши 1960-1990 йилларда кузатилади [2;79].

Оилалар сони ўсишининг асосий сабаби жами республика аҳолиси таркибида никоҳ ёшига етган ёшлар салмоғининг ошиб боришига боғлиқ эди. Масалан, 1970 йилда республика аҳолисининг 8,8 фоизини 18-24 ёшдаги ёшлар ташкил қилган бўлса, уларнинг салмоғи 1979 йилда 13,5 фоизни ташкил қилди [2;29]. 1979 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, республика

аҳолисининг 70 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилган [3;14]. Шу сабабдан кейинги ўтган ўн йил ичида(1979-1989) Ўзбекистон аҳолиси 4,5 млн.дан ортиқ кишига кўпайди (1-жадвал). Табиийки, Ўзбекистонда ёшлар миқдорининг ошиб бориши натижасида кўплаб оилалар пайдо бўлди. Агар 1980 йили 173,6 минг никоҳ қайд этилган бўлса, 1990 йили бу кўрсаткич 217,1 мингга етди, яъни кейинги 10 йил давомида республикада никоҳга кирувчилар миқдори ошиб борди.

Ушбу даврда республикада ҳар йили ўртача 77 мингга яқин янги оилалар ташкил топди [2;29]. Бу демографик жараёнлар республика аҳолиси миқдорида ёшлар (18-24 ёшли гуруҳлар) салмоғининг ошиб бориши, оиланинг жамиятда тутган ўрни, оилага бўлган ижобий муносабатлар, урф-одат ва қадриятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Умуман, никоҳ, оила, туғилиш бир-бири билан занжирдек боғланган демографик жараёнлар бўлиб, жамият мавжудлиги ҳамда давомийлигини таъминловчи асос ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушининг демографик талофотлари аҳолининг жинсий таркибига салбий таъсир қилган эди. Аёл кўп, эркаклар оз эди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда аҳоли таркибида аёллар миқдори 52 фоизгача кўтарилди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистонда аҳолининг жинсий таркибидаги номутаносиблик аста-секин барҳам топиб борганлиги ҳам кузатилди (3-жадвал).

Бундай демографик ҳолат, республика аҳолиси жинсий таркибидаги номутаносиблик 1975–1980 йилларда йўқолиб, эркаклар ва аёллар нисбати деярли тенглашди. Агар жинслар нисбати тенг ёки яқин бўлса, никоҳланиш ва туғилиш имкониятлари ҳам юқори бўлади.

Демографик жараёнлар тарихини кузатиш мақсадида келтирилган 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1970–1991 йилларда республика аҳолиси таркибида аёллар 50,9–50,6 фоизни ташкил этган. 1989 йилда аёллар сони эркаклар сонига қараганда 1,2 фоиз кўплигини нормал нисбат деб ҳисоблаш мумкин, чунки азалдан эркаклар орасидаги ўлим даражаси юқоридир. Ўзбекистонда шаҳар жойларида эркаклар ўлими қишлоқ жойларига қараганда анча кўпроқдир. Айниқса, 50 ёшдан кейин шаҳарларда яшовчи эркаклар орасида ўлим ҳоллари қишлоқ жойларида яшовчи тенгқурларига нисбатан кўпроқ бўлган. Масалан, 1989 йили республикада ҳар мингта 50-54 ёшдаги эркаларнинг қишлоқда 10 таси ўлган бўлса, шаҳарда 13 таси ўлган. 70-74 ёш гуруҳларида эса бу кўрсаткич 49–62 ни ташкил этган эди [2;63].

*3 - жадвал.**

1945 -1991 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг жинсий таркиби(минг киши)

Йиллар	*Жами аҳоли*	*Шу жумладан*		*Салмоғи, фоиз*	
		эркаклар	*аёллар*	*Эркаклар*	*Аёллар*
1945	*5197*	**	**	**	**
1959	*8119*	*3897*	*4222*	*48,0*	*52,0*
1961	*8721*	*4198*	*4523*	*48,1*	*51,9*
1970	*11799*	*5744*	*6055*	*48,7*	*51,3*
1976	*14185*	*6972*	*7213*	*49,2*	*50,8*
1979	*15391*	*7558*	*7833*	*49,1*	*50,9*
1980	*15765*	*7744*	*8021*	*49,1*	*50,9*
1981	*16158*	*7941*	*8217*	*49,1*	*50,9*
1989	*19785*	*9771*	*10014*	*49,4*	*50,6*
1990	*20227*	*9996*	*10231*	*49,4*	*50,6*
1991	*20613*	*10191*	*10422*	*49,4*	*50,6*

** Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т., 1997. – 61 б; Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Ҳ. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.,1998, - С. 135-136; Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет Советской власти. Юбилейный стат. ежегодник. – Т., 1987. – С.6; Народное хозяйство Узбекской ССР. Стат. ежегодник. – Т.,1980. – С.5; Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. – Т., 1989. - С. 68. ** Маълумот топилмади.*

Демограф олимларнинг аниқлашича, ўғил болалар орасида ўлиш ҳоллари нисбатан кўпроқ бўлади. Буни қуйидаги мисолдан англаб олиш мушкул эмас. 1963–1964 йилларга оид маълумотларга кўра, ҳар 100 минг янги туғилган ўғил боладан 5 ёшга етгунча 4352 таси, янги туғилган ҳар 100 минг қиз боладан эса 3695 таси вафот этганлиги аниқланган экан [7;38]. Алоҳида айтиш лозимки, 1991 йилга келиб Хотин-қизлар эркакларга нисбатан 231 минг кишига ортиқ эди. Ваҳоланки, аҳоли таркибидаги ортиқча аёлларнинг асосий қисми юқори ёшдагилар ҳисобига тўғри келади. Бу даврда ёш авлоднинг, айниқса, никоҳ ёшига кирган авлоднинг жинсий таркиби ўзаро анча яқин бўлган [2;160-161]. Бироқ, юқорида қайд этилганидек, аёллар сони эркаклар

сонига қараганда 2–5 фоиздан ортиқ бўлса ва аксинча, эркаклар сони аёллар сонига қараганда анча ортиқ бўлса, буни нормал ҳол деб бўлмайди.

Ўзбекистонда бу йилларда айрим вилоятларда аёллар сонининг эркаклар сонига нисбатан ортиқчалиги сақланиб, бу ҳол 18 ёшдан катта кишилар гуруҳида жиддий демографик муаммога айланган эди. Масалан бу йилларда Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятларида ва Тошкент шаҳрида аёллар сони эркаклар сонига қараганда ортиқ бўлиб, Жиззах вилоятида эркаклар сони аёллар сонига қараганда кўпчиликни ташкил этган эди [8;35]. Шунинг учун Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик ишига мумкин қадар кўпроқ индустриал меҳнат тусини бериш, қишлоқда саноат корхоналари барпо қилиш ва айни вақтда республикадаги демографик муаммоларни барқарорлаштириш мақсадида қишлоқ ёшларидан саноат кадрлари тайёрлашни йўлга қўйиш талаб қилинар эди.

Шундай қилиб, XX асрнинг 60–80-йилларида Ўзбекистонда демографик ўсишнинг динамикаси республиканинг ижтимоий ва иқтисодиий ривожланиши кўрсаткичларидан анча олдинга ўтиб кетган ҳолат юзага келган эди. Агар 1979 йилда 14 ёшгача бўлган аҳоли 6 345 108 нафар киши бўлиб, аҳоли умумий сонининг деярли 35 фоизини ташкил этган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони жами аҳолининг 40 фоизга яқинини ташкил этди [8;36]. Бунга қўшимча равишда шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, бундай демографик ҳолатда республика аҳолисининг анчагина қисмини ўз тирикчилик воситасига эга бўлмаган 15–17 ёшдаги ўсмирлар ташкил этишини ҳисобга олсак ва уларга 1 300 минг кам таъминланган, нафақахўрларни қўшсак, Ўзбекистонда жуда мураккаб ижтимоий-демографик муаммолар пайдо бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. 1989 йилда Ўзбекистонда 3 021 553 киши давлат таъминотида (пенсия, стипендия ва ҳаказолар) бўлган ва деярли 8 800 минг киши айрим шахсларнинг қарамоғида яшаган [8;36].

Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда республикада халқ турмуш фаровонлигини янада юксалтириш имкониятларини чеклади. Аҳоли реал даромадларининг, иш ва меҳнат ҳақларининг ўсиши паст бўлди. Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиш суръати Ўзбекистонда 1980–1988 йилларда 4,0 фоизга яқинни ташкил қилди [8;71]. Ўша пайтда Ўзбекистонда турмуш даражаси Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа ғарбий ҳудудлардаги иттифоқдош республикаларга нисбатан анча паст даражада бўлган. Ижтимоий–иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ҳам ўша пайтда собиқ иттифоқ республикалари орасида охирги ўринларни эгаллаган эди. Афсуски, Ўзбекистоннинг хом ашё базаси сифатида сақланиб қолиши мустабид тузум юритган иқтисодий–ижтимоий сиёсатининг оқибати эди.

Хуллас, узоқ давр мобайнида Ўзбекистондаги демографик жараёнларга етарли эътибор берилмади. XX асрнинг 60–80 йиллари демографик жараёнлари тарихини ёритиш қуйидагиларни якун сифатида қайд қилишга имкон беради.

Мустабид тузум ҳукмронлигининг ушбу йилларида мафкуранинг иқтисодиётдан, ижтимоий соҳадан устуворлиги, демографик жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олмаслик ишсизликнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда саноат корхоналарини жойлаштириш ҳар доим ҳам илмий асосда олиб борилмади, уларни жойлаштиришда республиканинг ўзига хос хусусиятлари, хом ашё, моддий ресурслар, малакали кадрлар бор-йўқлиги ҳамда экологик вазият камдан-кам ҳолларда ҳисобга олинди.

Оқибатда табиий-географик, миллий демографик жараёнларнинг ўзига хос омилларидан тўғри ва оқилона фойдалана олмаганлик туфайли республиканинг ижтимоий–иқтисодий тараққиёт даражаси анча паст бўлди. Коммунистик мафкура асосидаги маъмурий буйруқбозлик сиёсати ушбу даврда кечган урбанизацион жараёнлар ва аҳоли динамикасининг эркин ривожланишига тўсиқ бўлди.

Адабиётлар:

1. Мулляджанов И.Р. Население Узбекской ССР. Справочник. – Т.: Узбекистан, 1989
2. Бўриева М.Р. Ўзбекистонда оила демографияси. – Т.: Университет, 1997
3. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1990 г. Стат. ежегодник. – Т.: Узбекистан, 1991
4. Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Ҳ. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т.: Абу Али ибн Сино, 1998
5. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т.: ЎзМУ, 2001
6. Асанов Г. ва бошқалар. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994
7. Муллажонов И., Тошбеков Э. Ўзбекистон ССР аҳолиси. – Т.: Ўзбекистон, 1967
8. Миллараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш. – Т.: Ўқитувчи, 1992

Ўзбекистон Миллий университети,
2009 йил 20 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Шамсуддинов)
Адабиётшунослик